ЎзССР Давлат китоб палатаси

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 182 (8.380) ◆ 1993 йил 12 октябрь, сешанба Сотувда эркин нархда

9 октябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ботир Маҳмудов Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. «Ўзсувқурилиш» концерни раиси бўлиб ишлаб келган Ғулом Ҳасанов Сирдарё вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

— Сирдарё меҳнаткашларининг бағри унинг бепоён замини каби кенг, очиқ ва саховатлидир,— деди Президент нутқида. — Бу ерда ҳар бир миқдор ҳосил нақадар катта ва мустаҳкам ирода, ақл ва идрок, сабот ва матонат эвазига етиштирилишини яхши биламиз.

Афсуски, кейинги пайтларда вилоятда ижтимоий-иқтисодий масалаларга раҳбарлик бўшаштириб юборилди. Бу эса вазиятнинг мураккаблашувига, маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлди. Вилоятдаги ижтимоий аҳвол, ишни ташкил қилиш, муҳим вазифаларни ҳал этиш йўлида халқни, меҳнаткашларни бирлаштириш, уларни бошқариш масалалари текширилди. Ноиблар, раҳбарлар, ишчи ва деҳқонлар, фахрийлар—хуллас, юрт жонкуярларининг хулосаси шу бўлдики, вилоятдаги бугунги аҳвол қониқарли эмас.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 90,5 фоизга бажарилгани, мавжуд 5 та қўшма корхонадан фақат 2 таси ишлаётгани, 493 кичик корхонадан 52 таси, 47 ширкатдан 12 тасидагина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётгани шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Раҳбарнинг бугунги кундаги вазифаси — одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, эл-юртнинг бугуни ва эртаси учун қайғуришдир, деб таъкидлади Президент. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш режасининг атиги 50 фоиздан зиёдроқ қилиб белгиланган вилоятда ишлаб чиқаришнинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 90,5 фоизга бажарилгани, мавжуд 5 та қўшма корхонадан фақат 2 таси ишлаётгани, 493 кичик корхонадан 52 таси, 47 ширкатдан 12 тасидагина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётгани шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Раҳбарнинг бугунги кундаги вазифаси — одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, эл-юртнинг бугуни ва эртаси учун қайғуришдир, деб таъкидлади Президент. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш режасининг атиги 50 фоиздан зиёдроқ қилиб белгиланганини, кўпгина туманларда эса марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бор-йўғи 20—50 фоизни ташкил этишини қандай баҳолаш мумкин?

Мен кўп йиллардан бери республикада пахта етиштириш суръатларини кузатиб келаман. Сирдарё вилояти ҳеч қачон пахта тайёрлаш ва сотишда бу йилгидек аҳволга тушмаган, орқада қолмаган эди. Нима бўляпти ўзи? Бир вақтлар Сирдарё вилояти деҳқонлари, миришкорлари ҳаммага ўрнак эди-ку!

Сўнг Президент И. Каримов бу ҳолнинг сабабларини таҳлил қилиб берди. Вилоят меҳнаткашларининг раҳбарларга бўлган ишончи йўқолганини, кадрларни танлашда, аҳолини энг зарур маҳсулотлар билан таъминлашда, ижтимоий муҳофаза соҳасида, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўпол хатоларга йўл қўйилганини, бу эса одамларнинг кайфиятига ёмон таъсир этганини таассуф билан таъкидлади.

Қаерда вилоят ҳокими жамоат ташкилотлари, эл-юрт ҳурматига сазовор фаоллар билан бамаслаҳат иш тутмаса, ўша ерда аҳиллик бўлмайди, иш ҳам юришмайди. Сирдарё вилоятида айнан ана шу масалаларда нуқсонларга йўл қўйилган.

Бу хато ва камчиликлар шуни кўрсатадики, вилоят ҳокими раҳбарликни, талабчанликни мутлақо бўшаштириб юборган. Биринчи раҳбарликни зиммага олган шахсга кўп ваколат берилади, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир, деди Ислом Каримов. Заиф, ўзининг соясидан қўрқадиган раҳбарлар шуни билсинки, уларнинг замони ўтди. Шунинг учун ҳам мендан давлат раҳбари сифатида энг катта, эзгу ниятинг нима, деб сўралса, яратганга минг шукрона айтиб, эл-юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг ризқ-насибасини сўрардим. Ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг бахтини илтижо қилардим. Мана шу мақсадга етиш учун нима керак дейилса, аввало эл-юртимизга инсофли, диёнатли, виждонли ва билимдон раҳбарлар, эл-юрт обрўси, Ватанимиз манфаати учун жонини тиккан, камарбаста фидойилар керак, дер эдим.

Шундан сўнг республика Президенти вилоят меҳнаткашлари олдида турган улкан вазифалар хусусида тўхталди. Янги сайланган вилоят ҳокимига, ноибларга уларни бажариш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди, қўлни-қўлга бериб, аҳиллик билан ишлашларини тилади.

— Сизнинг бугунги аниқравшан нутқингиз бизга кўтаринки руҳ бахш этади, бизни самарали меҳнатга илҳомлантиради—деди вилоят фаоллари номидан сўзга чиққан Боёвут туманидаги «Боёвут» давлат хўжалиги бўлим бошлиғи, кекса пахтакор Музаффар ота Сафаров.— Биз мавжуд камчиликларни бартараф этишда, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиламиз, вилоят ҳокимлигига ҳар биримиз қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз.

Вилоят кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов ҳамда республика вазирликлари, ташкилотлари ва маъмурий органлари раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА).



Бундан бир неча йил муқаддам Тошкент метросининг Чилонзор йўналиши ишга тушганди. Бундан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахт меҳмонлари транспортнинг энг қулай туридан ҳалигача фойдаланиб келишмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон йўналиши ҳам тўла ишга туширилган бўлиб, унинг Юнусобод йўналишида қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айни пайтда қурувчилар бу йўналишни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ниятида астойдил меҳнат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: ана шу янги йўналиш қурилишидан айрим лавҳалар.

Виктор Евтропов суратлари.

УЛУҒ ТЎЙ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев бошқарди.

Йиғилишда А. Қодирийнинг ҳовли-музейи таркибига кирувчи иншоотларни лойиҳалаштириш, таъмирлаш, қайта тиклаш, адиб номи билан аталадиган боғни ободонлаштириш ва у ерда ёзувчига ёдгорлик ўрнатиш, «Ўтган кунлар» асари асосида кўп қисмли бадиий фильм яратилишининг бориши, ёзувчи асарларининг юбилей нашрлари ва етти жилдлик академик нашрини чиқариш борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан ахборотлар тингланди.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Матбуотда «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди. У 1994 йил 1 январдан амалга киритилади.

● «Ўзавтотранс» давлат-акционерлик корпорацияси ва Хитой коммуникация вазирлиги халқаро автомобиль ҳаракатини йўлга қўйиш тўғрисида ҳукуматлараро аҳдлашувга келишдилар. Унга кўра ҳар икки давлат ўртасида чегара пунктлари орқали йўловчилар ва юк ташиш йўлга қўйилади.

● Қувасойдаги «Кварц» бирлашмаси негизида ойна ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилмоқда. Келгуси йили ишга тушириладиган бу заводда 10 миллион квадрат метр ойна, шунингдек автобуслар, енгил автомашиналар учун ойналар тайёрланиши мўлжалланяпти. Бу корхона Жанубий Корея тадбиркорлари билан биргаликда барпо этилмоқда.

● Республика халқ таълими вазирлигида ўзбек-турк лицейларининг бир гуруҳ ўқитувчилари ва тарбияланувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳозир фаолият кўрсатаётган ана шундай 30 та лицейлар сони яқин орада яна еттитага кўпайиши таъкидланди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия Президенти Борис Ельцин 1993 йил 12 декабрда Россия Федерацияси Федерал йиғилишининг Федерация кенгашига сайловлар ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

● Россия Марказий сайлов комиссияси раиси Николай Рябовнинг маълум қилишича, Чечен республикасидан истисно Россиянинг барча минтақалари Давлат думасига сайловларда иштирок этишга тайёрликларини тасдиқлаганлар. Ана шу сайловларни ўтказишга 170 миллиард рубль ажратилмоқда.

● Россия ҳукумати мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги болалар озиқатлари учун эркин нарх жорий этди. 15 октябрдан бошлаб уч ёшгача бўлган болалари бўлган оилаларга ҳар бир бола ҳисобига 600 рубльдан товон тўланадиган бўлди.

● Арманистонда 1 октябрдан бошлаб энг кам иш ҳақи ва пенсияларнинг миқдори 7350 рубль қилиб белгиланди.

● АҚШ долларининг биржадаги қиймати кўтарилиб бормоқда. Москва банкларо валюта биржасида кеча бўлиб ўтган савдода АҚШ бир долларининг қиймати 1195 рубль бўлди. Бу аввалги савдодагидан тўрт рубль қимматдир.

ХОРИЖДА

● Грецияда бўлиб ўтган парламентга муддатидан илгари сайловларда муҳолифатдаги Андреас Папандреу бошчилигидаги Умумгрек социалистик ҳаракати ғолиб чиқди.

● Япония ҳукумати собиқ СССРнинг қарзлари бўйича 1 миллиард доллар миқдоридаги тўловларни тўлаш муддатини узайтириш ниятидадир. Бу тўлов муддати 1994 йилда тугалланиши керак эди.

● Тиббиёт соҳасидаги 1993 йилги Нобель мукофоти инглиз Ричард Роберс ва америкалик Филипп Шарпга рак соҳасидаги илмий тадқиқотлари учун берилди.

● Норвегия пойтахти Ослодаги аҳолининг 10 фоизини хорижликлар ташкил этар экан. Шу йил бошида аҳолиси 500 минг кишидан иборат бу шаҳарда хорижий мамлакатларнинг 49 минг нафар фуқароси яшаб турган эди.

● Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин беш кунлик расмий ташриф билан Пекинга келди. Бу ерда у Хитой раҳбарияти билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш юзасидан музокаралар ўтказмоқда.

● Америка Қўшма Штатлари Флорида штатининг врачлари 7 миллион доллар миқдоридаги дори-дармон ва тиббиёт ускуналарини самолётда Россияга инсонпарварлик ёрдами сифатида жўнатдилар.

● 18 октябрдан бошлаб Латвияда барча тўловлар миллий валюта — лат орқали амалга оширилади. Ҳозиргача муомалада бўлган Латвия рубллари банкларда ана шу миллий валютага алмаштириб берилади.

● Работда Фаластин Марказий кенгаши мажлиси давом этмоқда. Унда Исроил-Фаластин аҳдлашувларини тасдиқлаш масаласи муҳокама этиляпти.

● Туркия хавфсизлик кучлари Истамбулда 2,5 килограмм миқдорида бойитилган уранни қўлга туширдилар. Маълум бўлишича, ядро бомбаси тайёрлаш учун ишлатиладиган бу радиоактив металл Туркияга Россиядан хуфиёна келтирилган экан. Эрон махсус маҳкамалари хизматининг ходимлари уранни сотиб олаётган пайтда қўлга тушганлар.

● Никарагуада армия билан контрас ўртасида қуролли тўқнашувлар яна бошланиб кетди.

● Хитойда 26 октябрда нишонланадиган Мао Цзедун таваллуд топган кунининг 100 йиллигига қизғин тайёргарлик бошланиб кетди.

● Лондонда шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун Гарри Каспаров билан Найжел Шорт ўртасида давом этаётган мусобақанинг 15-учрашуви яна жаҳон чемпиони фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, у орадаги фарқни олти очкога етказди — 10,5:4,5. ФИДЕ бошчилигида Анатолий Карпов билан Ян Тимман ўртасидаги мусобақанинг иккинчи қисми 16 октябрда Индонезия пойтахти Жакартада бошланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин:

Лотинча ҳарфлар: Босма	Лотинча ҳарфлар: Ёзма	Лотинча ҳарфлар: Талафф.	Кириллча ҳарфлар	Лотинча ҳарфлар: Босма	Лотинча ҳарфлар: Ёзма	Лотинча ҳарфлар: Талафф.	Кириллча ҳарфлар
A a	*A a*	a	А а	R r	*R r*	re	Р р
B b	*B b*	be	Б б	S s	*S s*	es	С с
C c	*C c*	ce	Ц ц	T t	*T t*	te	Т т
D d	*D d*	de	Д д	U u	*U u*	u	У у
E e	*E e*	e	Э э	V v	*V v*	ve	В в
F f	*F f*	ef	Ф ф	X x	*X x*	xa	Х х
G g	*G g*	ge	Г г	Y y	*Y y*	ye	Й й
H h	*H h*	he	Ҳ ҳ	Z z	*Z z*	ze	З з
I i	*I i*	i	И и				
J j	*J j*	je (Jōra)	Ж ж (Жўра)	Ç ç	*Ç ç*	çe	Ч ч
K k	*K k*	ka	К к	Ō ō	*Ō ō*	ōa	Ғ ғ
L l	*L l*	el	Л л	J j	*J j*	je (ajdod)	Ж ж (аждод)
M m	*M m*	em	М м	Ñ ñ	*Ñ ñ*	ñe	Нг нг
N n	*N n*	en	Н н	Ō ō	*Ō ō*	ō (ōrdak)	Ў ў (Ўрдак)
O o	*O o*	o (ota)	О о (ота)	Ş ş	*Ş ş*	şe	Ш ш
P p	*P p*	pe	П п	(') - тутуқ белгиси		(апостроф)	
Q q	*Q q*	qa	Қ қ				

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Янги алифбога босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2000 йил 1 сентябрига қадар тўлиқ тугаллансин.

3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси ташкил этилсин (таркиби илова қилинади).

Республика давлат комиссияси:

уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин;

1993—1994 йиллар давомида ўзбек орфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин;

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашнинг ушбу Қарорини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органларига услубият ва ахборот бобида мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб борсин;

республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбони жорий этиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартиби асосида:

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалда жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларида эса факультатив машғулотлар ташкил этишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августга қадар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари республика давлат комиссияси билан келишган ҳолда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишга доир дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузсинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу жумладан тасарруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланмаларни ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳларни тузсинлар.

(Давоми 2-бетда).

** Ҳуқуқий давлат сари*

БАЁННОМА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари, Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти профессор-ўқитувчилари жамоасининг ҳамкорликдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласи атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни Адлия вазири Алишер Мардиев очди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси умумийқтисодий бўлимининг мудири, профессор Раҳмонберди Каримов, Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти ректори, профессор Акмал Саидов, профессор Шоакбар Шораҳмедов, фалсафа фанлари доктори, профессор Анвар Бозоров ва бошқалар рисолада олға сурилган фикрлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу рисоласидаги қоида ва хулосаларни маъқуллаб, улардан ўз ишларида дастуриламал сифатида фойдаланиш ҳамда Адлия вазирлиги, ҳуқуқшунослик институтининг бундан кейинги бутун фаолиятига асос қилиб олиш ҳақида баёнома қабул қилдилар. Унда республикамизда ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш фаолиятининг аниқ йўналишларини китобдаги қоида ва хулосаларга қараб белгилаш, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилаётган бир пайтда, фуқароларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, баённомада Адлия вазирлиги ва унинг органларининг барча кундалик ташкилий-амалий фаолиятида, ҳуқуқшунослик институтининг ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасида рисоладаги қоида ва хулосаларга амал қилиб, ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, барча лекциялар, амалий машғулотлар мазмунини янгилаш, янги махсус курслар киритиш алоҳида қайд этилди. Хусусан, республикамиз бозор муносабатларига ва жаҳон ҳамжамиятига кираётганлиги билан боғлиқ вазифалар талаб даражасида бўлиши таъкидланди.

Илмий-тадқиқот ишлари, ҳуқуқшунослик муаммоларига бағишланган диссертациялар мавзуларини рисоладаги қоида ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурлиги айтиб ўтилди. Республикамиз олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун Президентимиз Ислом Каримовнинг китобидаги қоидаларнинг аҳамиятини очиб берувчи мақолалар, рисолалар тайёрлаш ва нашр этиш таъкидланди, уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтиришга, бу ишда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевиденнедан самарали фойдаланишга қарор қилинди.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Кексайганида партияга кирди

ОЛТМИШ тўрт ёшли Алексей Латифовга яқинда Ўзбекистон ХДП Миробод тумани кенгашининг иккинчи котиби Раиса Кушчева партия билетини топширди. Уни партия аъзоси бўлганлиги билан табриклаб, ёшларни мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда фаол қатнашишда муваффақиятлар тилади.

— Меҳнат таътилига чиқишимдан олдин пойтахтдаги темир-бетон конструкциялари комбинатларидан бирида ишлаганман, — дейди унинг ўзи. — Лекин илгари ҳеч қандай партия сафида бўлмаганман. ХДПга аъзо бўлганлигимнинг сабаби, бу партия кейинги вақтларда кўп ишларни амалга оширди. Ёш мустақил республикамизнинг қисқа муддат ичида катта муваффақиятларга эришганлигида ҳам Ўзбекистон ХДПсининг ҳиссаси бор, деб ўйлайман. Чунки у бошқа баъзи бир партияларга ўхшаб миллатлар орасида низо чиқармади. Аксинча миллатлар тотувлиги тўғрисидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг ғояларини қўллаб-қувватлади. Шунинг учун бу партиянинг келажаги порлоқ.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон ХДП аъзолигига кейинги пайтларда кўплаб , кишилар кирмоқда. Фақат Миробод туманида шу йилнинг ўзида 300 дан ортиқ киши Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирганлиги фикримизнинг далилидир.

Ғани ЕСЕНОВ.

ШАҲАР МУСОБАҚАСИДА БЕЛЛАШАДИ

СЕРГЕЛИ туманидаги мусиқа мактабида «Ўқитувчи—93» танловининг тумандаги ўқитувчилар беллашуви бўлиб ўтди. Мусобақа шартларига кўра ўқитувчилар ўз билим ва тажрибаларини намойиш қилишдан ташқари, шеърхонлик, қўшиқ ва рақс ижро этиш, ҳозиржавоблик маҳоратларини ҳам кўрсата олишлари керак эди.

Ғолиблик учун кураш олиб борган 9 нафар ўқитувчилар орасида биринчи ўрин Лилия Николинкога насиб этди. У тумандаги 285-ўрта мактабда ёшларга физика, информатика каби фанлардан сабоқ беради. Иккинчи ўрин 7-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муҳайё Ҳошимовага, учинчи ўрин эса 104-ўрта мактабнинг рус тили ўқитувчиси Дилбар Наримоновага насиб этди.

Туман халқ таълими бўлимининг мудири Тўлқин Султонов ғолиб ўқитувчига икки ойлик маош миқдорида пул мукофоти, иккинчи ўрин соҳибига бир ярим ойлик иш ҳақи, учинчи ўринни эгаллаган муаллимга бир ойлик маош миқдорида пул мукофоти ва эсдалик совғаларни топширди. Шунингдек, энг илғор ўқитувчиларга Ўзбекистон ХДП Сергели тумани кенгашининг иккинчи котиби Жалолиддин Мусамуҳамедов ҳам фахрий ёрлиқларни тақдим этди. Мусобақа ғолиби Л. Николинко Тошкент шаҳар ўқитувчилар беллашувига йўлланма олди.

Эҳсон ХОДИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасида

5—6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди вазифасини бажарувчи Конституциявий назорат қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди, унда якка тартибдаги уй-жой қурилиши масалалари бўйича фуқаролик ва жиноят қонуни нормаларининг конституциявийлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Э. Ҳ. Халилов, Олий суд раиси У. Қ. Мингбоев, Олий хўжалик судининг раиси Р. А. Хачатуров, Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгашининг аъзолари иштирок этдилар. Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасига биноан ушбу масала бўйича қўмита хулосаси қуйида эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг хулосаси

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ВА ЖИНОЯТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ НОРМАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилган қарорига мувофиқ Конституциявий назорат қўмитаси таркиби зиммасига вақтинча Конституциявий суднинг вазифаси юклатилди. Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108 ва 109-моддаларига ҳамда Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, ўз мажлисида «Якка тартибда уй-жой қурилиши масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва жиноят қонун ҳужжатлари нормаларининг конституциявийлиги тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Бу масала қўмита аъзолари Б. И. Пинхасов, Т. Изимбетов, Т. Тожиев ва М. Тешабоевлар томонидан киритилган бўлиб, Конституциявий суд раиси вазифасини бажарувчи Ш. З. Ўразаев, Конституциявий суд раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Р. Қ. Қаюмов, Конституциявий суд котиби вазифасини бажарувчи С. А. Ҳакимова, Конституциявий суд аъзолари вазифасини бажарувчилар — Т. Изимбетов, М. Мирҳамидов, О. Ҳ. Олимжонов, М. Ҳ. Раҳмонқулов, Н. К. Скрипников, Т. Тожиев, М. Тешабоевлардан иборат таркибда қараб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик, ер, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари фуқароларнинг, фуқаролар бирлашмаларининг уй-жойга нисбатан турар жой ва бошқа биноларни қуришга, шахсий ёки жамоа тасарруфидаги томорқаларни ишлаб чиқариш мақсадларида ўзлаштиришга оид ҳуқуқларини мустаҳкамлайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли»дир (**36-модда**) ҳамда «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилмахил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир» (**53-модда**), «Мулкдор мулкига ўз ҳоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади» (**54-модда**), дейилади.

«Мулкчилик тўғрисида»ги (**1, 7, 8-моддалар**), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги (**10, 11-моддалар**) Қонунларга биноан турар жойлар, дала ҳовлилар, боғлар, хўжалик иморатлари фуқаролар мулки бўлиши мумкин. Фуқаролар уларни ўз хоҳишлари бўйича тасарруф қилишлари, яъни сотишлари, васият қилиб қолдиришлари, ижарага беришлари, мулклар юзасидан қонунга зид бўлмаган турли хил битимлар тузишлари мумкин. «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 32, 33, 34, 35-моддаларида мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш белгиланган. Мулк ҳуқуқидан маҳрум қилиш асосларининг рўйхати қонунда қатъий чегараланган.

Бу нормалар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (**17-модда**), 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимга (**2-моддасининг 1-банди**) тўла мос келади.

Шу билан бирга якка тартибдаги уй-жой қурилиши соҳасида ҳозиргача Конституцияга ва янги қонун ҳужжатларига зид нормалар амал қилиб келмоқда.

Масалан, Ўзбекистон фуқаролик кодексида белгиланганидек, фуқаронинг шахсий мулкида битта уй (ёки уйнинг бир қисми) бўлиши мумкин, бу уй-жойнинг (ёки унинг бир қисмининг) ҳажми, турар жой майдони тўқсон квадрат метр бўлган миқдордан ошмаслиги лозим (**120-модда**). Ушбу қоида бузилган тақдирда бир уйдан ортиғига нисбатан шахсий мулк эгалиги бекор қилинади ва иккинчи уй (уйлар) мулкдорнинг хоҳишига қараб сотилиши, ҳадя қилиниши ёки бошқа усул билан бировга ўтказилиши лозим (**121-модда**). Давлат ёки жамоат турар жой фондига қарашли уйда ёхуд уй-жой қуриш ширкати уйида уй-жойнинг мавжудлиги уй-жойга бўлган шахсий мулк ҳуқуқи бекор қилиниши учун асос бўлади (**122-модда**).

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида қавати, хоналар сони, турар жой майдони меъёрини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган (**191-3-модда**).

Шаҳарларда, шунингдек, шаҳардан ташқарида якка тартибда қуриладиган уй-жойлар бир ёки икки қават бўлиши, хоналари бештадан, турар жой майдони белгиланган нормадан ошмаслиги тўғрисидаги ЎзССР Министрлар Советининг 1960 йил 22 ноябрдаги 956-сонли ва 1962 йил 4 майдаги 311-сонли қарори ҳамон амал қилиб келмоқда.

Конституциявий суд вазифасини бажарувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36, 53 ва 54-моддаларига, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунлар, Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиб шундай хулосага келди:

1. Фуқаролик кодексининг 120, 121, 122-моддаларида мустаҳкамланган нормалар, шунингдек, жиноят кодексининг 191-3-моддасидаги қоида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларга мос эмас ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларга зид деб эътироф этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига биноан ушбу хулоса эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 120, 121, 122-моддаларида ва жиноят кодексининг 191-3-моддасида мустаҳкамланган нормалар ўз кучини йўқотади.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 120, 121, 122-моддаларига ва жиноят кодексининг 191-3-моддасига асосланган норматив ҳужжатлари ҳам ушбу хулоса эълон қилинган кундан бошлаб Конституцияга мос эмас деб эътироф этилади.

4. Таъкидлаб ўтилсинки, якка тартибдаги уй-жой қурилишининг меъёрларини тартибга солиб турувчи нормалар бекор қилиниши билан бирга, якка тартибдаги қурилиш белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда, бошқа фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини камситмаган тарзда амалга оширилиши лозимлигига эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг раиси вазифасини бажарувчи
Ш. ЎРАЗАЕВ.

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Белгилаб қўйилсинки, янги алифбони жорий этишга доир барча ҳаражатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1994 йилги ҳамда ундан кейинги йилларга мўлжалланган давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбони жорий этиш мақсадида зарур бўладиган маблағларни бюджетдаги ташкилотлар учун — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ажратилишини назарда тутсин;

1993—1995 йиллар давомида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларида янги алифбони факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1940 йил, № 4) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Комиссия раиси.

Абдуллаев Ж. А. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири — Комиссия раисининг ўринбосари.

Йўлдошев Ж. Ғ. — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири — Комиссия раисининг ўринбосари.

Юсупова Б. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари — Комиссия раисининг ўринбосари.

Ғайбуллаев С. Ф. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг катта эксперти — Комиссия котиби.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаев М. У. — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Алламуродов Б. А. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси.

Боқиева М. О. — Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Дадажонова Д. Д.—Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Ёқубов О. Э. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитасининг раиси.

Жабборов А. Ж. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг шўъба мудири.

Жалилов А. Т. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Фан ва экология масалалари қўмитасининг раиси.

Жалилов Ш. И. — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби.

Жуманиёзов М. Ж. — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Жўрабоев А. Ж. —«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири.

Мардиев А. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири.

Матчонов О. (Омон Матжон) — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти.

Мирзаев Т. М. — Ўзбекистон Республикаси ФА Адабиёт институтининг директори.

Мустафоев Б. М. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

Муҳитдинов Н. А. — Ўзбекистон Республикаси «Ёдгорлик» жамиятининг раиси.

Орзиматов А. С. — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби.

Раҳимов Б. Р. — Ўзбекистон Республикаси Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

Саидов Н. Ш. — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Салоҳиддинов М. С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти.

Субҳонова Г. С. — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Тўйчиев Қ. Т.—Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Фахритдинов Ҳ. Б. — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Халилов А. В. — Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Худойбердиева Ҳ. У. — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, «Саодат» журналининг бош муҳаррири.

Шодиметов Ю. Ш. —Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг мудири.

Шоғуломов Р. Ш. — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси.

Эрбеков И. И. — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси.

Қодиров П. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитасининг раиси.

Қурбонов Т. Қ. — Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Қўчқортоев И. Қ. — Республика «Ўзбек тили» жамиятининг раиси, ТошДУ филология факультетининг декани.

Ҳайитбоев Э. Қ. — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири.

Ҳамидов Ҳ. Ҳ.— Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Ҳожиев А. П. — Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институтининг директори.

• Қурувчилик касбини ардоқлаётганлар

Дастлабки уй битказилди

МИРОБОД тумани марказида ҳам кўплаб баланд қаватли уйлар қуриляпти. Улардан бири Нукус кўчасида бўлиб, у «Ёшларнинг турар жой мажмуаси» ҳисобланади. Дастлабки тўққиз қаватли уйда сўнгги пардоз ишлари олиб борилмоқда. Бинони кузатар эканмиз, қилинаётган ҳар бир иш изчиллик билан амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб пардозловчиларни суҳбатга чорладик. Аммо бригадир Галина Павловна биздан узр сўраб, бироз кутиб туришимизни айтди. Чунки гулкўзларга суркалган елимлар қотиб қолса ёпиштириш мураккаблашишини, натижада иш орқага кетишини уқтирди. Ваҳоланки ҳар бир дақиқа ғанимат эди.

— Сўнгги ишлов бизнинг зиммамизда бўлгани боҳо кўпчиликни толиқтириб ҳам қўяди, — дея сўз бошлади Г. Федулова. — Сабаби бино бизлар ишни тугатгандан сўнггина буюртмачиларга тақдим этилади. Мана шундай вақтларда, айни иш тиғиз палласида кўпинча ёшларимиз бардош бера олишмайди. Амаллаб бир-икки ойдан буён ишлаётган ёш ишчилар дарров ишдан бўшашга ҳаракат қилиб қолишади. Мана шу муаммо бизларни доимо ўйлантириб қўяди. Нега ёшлар оғир меҳнатга чидамсиз, деган саволни доимо бир-биримизга берамиз. Яхшиямки сафимизда кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган қурувчилар, пардозловчилар кўп. Жамоамизда 21 киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бирининг меҳнат стажи 20—25 йилдан ортиқ. Лекин бирортаси ҳар қандай шароит бўлмасин ўз касбларидан нолишмайди. Бунинг устига бизлар учун барча шароитларни яратаётган 1-уйсозлик комбинатига қарашли 3-пардозлаш бошқармаси мутасаддиларига минг раҳмат. Энг аввало ҳар бир ишчи учун алоҳида умумий ойлик чипталари ва тушлик учун қўшимча ҳақ беришмоқда. Олаётган ойлик маошларимиз ҳам ўз вақтида берилаётир. Меҳнат ҳақи ҳар бир пардозловчининг даражасига қараб 70 минг сўмдан 90—100 минг сўмгача белгиланмоқда. Касбдошларим Исмат Йўлчиев, Галина Иванова, Валентина Хоҳанова, Гулсин Рахимзяновалар бажараётган ишлар барчага маъқул бўлмоқда. Бизларнинг мақсадимиз яхши ва сифатли меҳнат қилиш билан бирга, келажакда ўрнимизни босадиган ёшларга ўз касбимиз сирларини ўргатишдир.

36 квартирали (ҳар бири уч хонадан) бу бино даҳанинг чиройига чирой қўшиб, савлат тўкиб турибди.

Галина Павловна яна ишга киришиб кетди. Биз суҳбатимизни буюртмачилар вакили Рустам Фахриддинов билан давом эттирдик.

— Рустам, айтингчи нима учун бу биноларни «Ёшлар турар жой мажмуаси» деб атагансизлар?

— Ҳаммамизга маълумки, қайси корхона ёки ташкилотга борманг барча жабҳада энг аввало ёшлар, айниқса ёш оилалар уй-жойга муҳтож бўлишади. Бизнинг ташкилотимизнинг қамрови бундан бир-икки йил аввал жуда кенг эди. Шароит тақозоси билан бошқа туманларнинг бундай ташкилотлари тарқаб ҳам кетди. Асосий иш, яъни уй қуриш учун ер танлаш ва уйлар қандай бўлиши тўғрисида унинг лойиҳаларини яратиш 1991—92 йилларда бошланган эди. 1993 йилнинг бошидан бошлаб мана шу топширилиши лозим бўлаётган уйда иш бошланганди. Уни 1-уйсозлик комбинатига қарашли Шавкат Ҳидоятов бошчилигидаги 26-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуриб битказдилар. Бу тўққиз қаватли бино, унинг ёнида яна иккита 12 қаватли биноларнинг ҳам қад ростламоқда. Бу биноларнинг бир-биридан фарқи шундаки, тўққиз қаватли бино фақат уч хонадан иборат, ўн икки қаватли биноларда эса 1, 2, 3, 4 хонали квартиралар мавжуд. Агар буларнинг барчаси қуриб битказилса, унда шу уйларда истиқомат қиладиганлар учун кўп имкониятлар туғилади. Яшовчиларга янада қулай бўлсин деб ўн икки қаватли биноннинг биринчи қаватида маиший хизмат бўлимлари ва савдо шохобчалари ҳам барпо этилади.

Ҳа, яхши ниятларнинг бошланган ишга ҳамиша омад кулиб боқаверади. Қурилишда мана шундай бурилиш бўлиб турганига қандай яхши!

Гулнора МАЖИДОВА.

«ҲУМОЮН» ХИЗМАТДА

АКМАЛ Икромов номидаги Абдулхай Тожиев номли маҳаллада «Ҳумоюн» номли янги савдо ва маиший хизмат мажмуининг қуриб фойдаланишга топширилиши аҳолини беҳад қувонтирди. Бугунги кунда янги бинода озиқ-овқат дўкони, чойхона ва сартарошхона фаолият кўрсатмоқда. Винонинг бир хонаси туман ички ишлар бўлими милиция нозирининг хизматига берилган. Маҳалла раисининг ўринбосари Шорахмат Шоёқубовнинг қувониб таъкидлашига кўра эндиликда аҳоли кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини ўзларига узоқ бўлган дўкондан эмас, балки «Акмал Икром савдо» ҳиссадорлик уюшмасига қарашли янги 49-озиқ-овқат дўконидан харид қилишлари мумкин.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

• Бозор тадбиркорликни ёқтиради

ИМКОН ТОПИБ ИШЛАЁТГАНЛАР

ХАЛҚИМИЗДА «Қаловини топсанг қор ҳам ёнади», деган гап бор. Яқинда Тошкентдаги подшипникларни таъмирлаш заводида бўлганимизда бу гапнинг қанчалик тўғри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

...1937 йилда ташкил этилган подшипникларни таъмирлашга ихтисослашган завод, йиллар ўтиб катта бир корхонага айланди. Бугунги кунда заводда 70 турдаги подшипниклар таъмирланиши билан бирга ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилаётган подшипникларга нафақат МДҲ давлатлари, балки Ҳиндистон, Покистон каби хорижий давлатларда ҳам талаб катта. Буни яхши тушунган завод маъмурияти бозор қийинчиликларини рўкач қилиб ўтирмасдан изланиб ва интилиб меҳнат қилмоқда. Тўғри, подшипникларни чиқариш илгаригига қараганда бироз камайган. Кўпгина республикалардан керакли маҳсулотлар етарлича келмаётганни эвазига шундай бўлди. Аммо ишчилар бекор туриб қолишаётгани йўқ. Корхонада яқинда муҳандис ва конструкторларнинг изланишлари туфайли ёғ чиқарадиган агрегатлар ишлаб чиқарила бошланди. Бу агрегат қишлоқ жойларида ёки кичик корхоналарда жуда қўл келади. Айни пайтда енгил машиналар учун Ф—40 ёғ тозалагич фильтрлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу қоғоздан ишланган фильтрлардан тубдан фарқ қилади. Чидамлилиги ва ёғни яхши тозалаши билан ажралиб туради. Бундан ташқари заводда енгил машиналарнинг подшипникларини алмаштириб берувчи устаҳоналар ҳам ишлаб турибди.

— Биз юқоридаги ишларни ишчиларимизнинг бекор туриб қолмасликлари, қолаверса, халқимизга эҳтиёжталаб моллари кўплаб етказиб бериш учун амалга оширяпмиз. Шу билан бир қаторда республикамизга биринчи навбатда қайси турдаги подшипниклар зарурлигини ўрганиб чиқдик. Маълум бўлишича, 308-подшипникка талаб жуда катта экан. Пахта териш машиналари, тракторлар учун зарур бўлган бу подшипниклардан йил охиригача яна 10 минг дона ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз, — дейди завод директори Зокир Юсупов.

Завод ишчилари кайфияти билан қизиқиб Зокир ака билан цехларни айландик. Ишчилар бозор иқтисодиёти шароитларини тўғри тушунишмоқда. Улар қийинчиликлар ўткинчи эканлиги, корхонада самарали ишлаш учун бутун имкониятлар яратилаётгани ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Демак, заводда аҳиллик ҳукмрон. Шу кунларда бу ерга 12 дона тикув машинаси ҳам ўрнатилмоқда. Келгусида тикувчилик цехи ташкил қилиниб бу ерда ишчилар халати, қўлқопи ва бошқа маҳсулотлар ҳам тикиб чиқарилиши режалаштирилган. Заводда ишлаб чиқарилаётган 954712 К1 подшипникига талаб ортиб бораяпти. Жумладан, яқинда Ҳиндистон, Покистон каби хорижий давлатлардан бир гуруҳ мутахассислар заводга келиб бу ердаги иш жараёни билан танишишди ва юқоридаги подшипник учун буюртма бериб кетишди.

Республикамиз эҳтиёжи учун йилига 60 минг подшипник керак экан. Шу ўринда заводнинг республикамиз эҳтиёжини қондириб ишлаш билан бирга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хорижий давлатлар буюртмасини бажараётганини ҳам ҳисобга олсак корхонада иш яхши ташкил этилганлиги маълум бўлади. Бундай шароитларда эса ҳар қандай қийинчиликларнинг ортда қолиши аниқ.

Эргаш ТЕМУРОВ.

Асат Расулов «Ўзбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида қарийб ўттиз бир йилдан бери самарали меҳнат қилади. Шу йиллар мобайнида бирлашмада қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлди. Бунда айниқса (чапда) Асат Расулов каби мураббий ишчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Нариф Идиятулин эса мана ўн бир йилдирки, пойтахтдаги 2-қурилиш-тиклаш бошқармасига қарашли тракторни бошқаради. У ўз трактори билан шу йиллар ичида кўплаб қурилиш нуқталарини битиришда қатнашди. Шунинг билан бир қаторда у ўзига юклатилган вазифаларни ҳамиша вақтида, сифатли бажаради.

СУРАТЛАРДА: Асат Расулов ва Нариф Идиятулинлар.

Андрей Пишненко суратлари.

• Маданият муассасаларида

МАКТАБДАН КЕЙИНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

ШАҲРИМИЗНИНГ Ҳадра майдонидаги республика ўқувчилар саройи болаларнинг энг севимли масканларидандир. Бу ерда улар дарсдан бўш вақтларида келиб ўзлари қизиққан соҳалари билан машғул бўладилар. Қўшиқчилик, раққосалик, рассомчилик, фототасвирчилик, наққошлик, боғбонлик, компьютерда ишлашни ўрганиш, ишбилармон бўлиш, эҳ-ҳе, бундай тўгараклардан саройда нақ 300 таси ишлайди. Уларга 4500 дан ортиқ бола қатнашади. Бутун мамлакатимизга донги кетган ёш доирачилар гуруҳи, «Чаман» рақс дастаси, «Ғунча» вокал-чолғу дастаси, «Қўшча» опера студияси ҳам ана шу саройда ташкил қилинган. Унда болалар санъатга бўлган қизиқишларини, маҳоратларини оширадилар.

Саройда асосан учта катта бўлим фаолият кўрсатади. Булар нафосат, фан ва техника ҳамда ишбилармонлар бўлимларидир. Уларда машғулотлар болаларга қулай бўлсин деб эрталаб ва тушдан кейин олиб борилади. Тўгаракларда малакали мутахассислар ишлайдилар. Болалар ўзлари қизиқкан нарсаларни улардан сўраб биладилар. Тажрибаларни, амалий ишларни биргаликда қиладилар.

Янги ўқув йилидан ўқувчилар саройи ўз иш режаларини қайтадан кўриб чиқиб, кўпгина ўзгартиришлар киритди. Янгиянги тўгараклар очилди. «Ёш иқтисодчилар», «Мантиқий фикрлаш», ўзбек халқ чолғу асбобларини ясаш тўгараклари ана шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда саройнинг фан ва техника бўлимида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Математика, информатика, фалакиёт, кимё, инглиз, форс, турк, араб тилларини ўргатувчи, шунингдек радио-электроника тўгаракларида болалар ҳар доимгидан ҳам кўп. Уларнинг қизиқишлари ва билим олиш лаёқатлари инобатга олиниб бу тўгараклларга етук мутахассислар таклиф қилинган. Бунда Республика Фанлар академиясининг ёрдами катта бўлмоқда. Улар билан тузилган шартнома асосида саройнинг 50 дан ортиқ ўқувчиси академиянинг кибернетика, сейсмология, биология, астрономия, физика-техника илмий-тадқиқот институтларида ўқимоқдалар. Бундан ташқари сарой маъмурияти шаҳримизнинг кўпгина мактаблари, боғчалари, болалар уйларида ҳам тўгараклар очиб, уларга ўқувчиларни жалб қилган. Шуниси қувончлики эндиликда ишлаб чиқариш комбинатларида наққошлик, ганчкорлик, кулолчилик, дурадгорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Машғулотларда ўқувчилар назарий билим олишлари билан бирга уни амалда ҳам қўллайдилар. Шу ўқув йилидан Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи қошида «Ёш қаламкашлар» тўгараги очилди. Унда болалар ижоднинг сирларини ўрганиш билан бирга ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижодлари билан танишиб, уларнинг асарларидан баҳраманд бўладилар.

Ўқувчилар саройининг директори Олия Иброҳимова жуда жонкуяр аёл. У болаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил қилиш, тўгарак машғулотларини қизиқарли ўтказишда тинмай ҳаракат қилади. Шунинг учун бўлса керак саройга келганлар кетгиси келмайди.

— Мақсадимиз бу ерда турли соҳанинг мутахассисларини тайёрлаш эмас, Балки хабардор қилиш, ўзи учун ўрганишдир, — дейди сарой раҳбари. Масалан, бу ерда радио электроника тўгарагига қатнашган бола шу соҳани эгаллаши шарт деб талаб қўймаймиз. Лекин улар техникадан тўлиқ хабардор бўладилар. Ўзлари телевизор, радио-магнитофонларни бемалол тузатиб олаверадилар. Ёки нафосат бўлимига қатновчи болалар албатта санъаткор бўлавермайдилар. Аммо улар санъатни тушунадилар. Гўзалликни англайдилар.

Дарҳақиқат, директорнинг гапларида жон бор. Касбга йўналтириш, ҳунарга қизиқтириш боланинг келажакда етук инсонлар бўлиб етишишини белгилайди. Бу ўринда республика ўқувчилари саройида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ҳам, салмоғи ҳам каттадир. Болаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, ўзи севган, қизиққан соҳа билан банд бўлишлари учун бу ўқувчилар саройи мактабдан кейинги никинчи знё-маърифат масканидир.

Нодира СОБИРОВА.

КЎПДАН бери ўзимга мос шим тополмай юрардим. Яқинда шим қидириб аралаш моллар дўкони расталарини айланиб юриб, бир танишимни учратиб қолдим. У муддаомни эшитгач: «Ҳозир дўконлардан катта ҳажмдаги кийимларни топиш амри маҳол бўлиб қолган. Сиз яхшиси буюртма бўйича кўйлак ва шимлар тикадиган бирон-бир ателье мурожаат қилинг. Ана ўша ерда ишлаётган қўли гул тикувчилар кўнглингиздагидек қилиб шим тикиб беришади», — деб қолди. Кейин қўшимча қилди:

— Биласизми, менинг катта ўғлим ҳам сизга ўхшаб гавдаси кенг, дароз йигит. Анчадан буён шим қидириб юрган эди. 1-пойабзал фабрикаси рўпарасида жойлашган 33-ателье буюртма берган экан, 10 кун деганда бир ажойиб шим тикиб беришибди. Ўзига жуда ярашган. Материали ҳам ўзларидан. Хуллас дўкондагидан анча арзонга тушибди.

Эртасигаёқ танишим айтган ателье ага йўл олдим. Мени у ерда Машкура исмли истараси иссиқ кўҳликкина бир аёл илиқ қарши олди.

— Келинг ака, бирон нарса тиктирмоқчимисиз? — сўради у.

— Бир яхшигина шимбоп газламадан шим тиктириш ниятим бор эди.

— Марҳамат. Ана, газламаларнинг бир неча хилини деворга осиб қўйибмиз. Истаганингизни танланг. Кейин қанча материал кетишини ўлчаймиз.

— Хўп бўлади, — деб дидимга мос газламани танлай бошладим. Бироз фурсат ўтгач, ўзимга ёққанини тикувчига кўрсатдим.

— Ўзингизга мосини танлабсиз, — деди жилмайиб Машкура. — Менга ҳам маъқул бўлди. Қандай газлама танлашни билар экансиз. Бу муболаға эмаску, лекин шуни таъкидлаш керакки, кийим танлаш ҳам бир санъат. Баъзи бировлар бунинг фарқига боришмайди, юз ва гавда тузилишига ҳамда қоматига мос келмайдиган кийимларни кийиб юришади. Кийган кийимидан ҳам инсоннинг юриш-туриши, муомаласи қандайлигини, ораста ёда ярашди. Машкура ўзим ўйлаганимдан ҳам зиёда қилиб тикибди. Унга миннатдорчилик билдирар эканман, тикувчилик касбини қаерда ўрганганлигини ва биринчи устози ким бўлганлигини сўраб-суриштирдим.

— Тикувчиликни аслида онамдан ўрганганман, — дейди 33-ательенинг моҳир тикувчиси Машкура Мадалиева. — Ўрта мактабни битириб, шу ерга ишга келганман. Дастлабки пайтларда Лиза Пернер ва Мавлуда Холмуродова сингари тажрибали тикувчилар менга устозлик қилишди. Мижозларнинг дидига мос шимнинг чокини, кўйлакнинг енгини ва ёқасини қандай тикиш кераклигини эринмай тушунтиришди. Мен уларнинг ўгитларини тўғри идрок этганлигим туфайли бугунги кунда илғор тикувчилар қаторидан жой олдим. Мижозларим кун сайин кўпайиб бораётганлигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак. Ҳозир истаган бичимдаги кўйлак ва шимларни тика оламан. Менимча ҳали мижозларимнинг дидига ёқмайдиган кийим тикканимча йўқ.

— Машкура ҳақ гапни айтяпти, — дея суҳбатимизга қўшилди унинг биринчи устози Мавлуда Холмуродова. — Ундан барча миннатдор. Ишга дастлабки келган ойларда кўп иш жараёнларини яхши билмасди. Ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли қисқа муддат ичида тикувчиликдек шарафли касбни пухта ўзлаштириб олди. Ҳозир унинг ишига ҳамманинг ҳаваси келади. Кўйлак дейсизми, шим дейсизми, айтган нарсангизни кўнглингиздагидек қилиб тикиб беради. Шунинг учун мижозларининг кети узилмайди.

Ярашиқли либос — ҳуснга мос

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Исмоил ЗОИРОВ.

Кенгашлар фаолиятидан

ФАОЛ АЁЛЛАР

● Қўлга киритилган мустақиллик туфайли аёлларимизга яратилган ва яратилаётган шароитлар барчани қувонтиради. Биргина «Соғлом авлод учун» жамғармаси очилишининг ўзи ҳам фикримизнинг далилидир. Худди шу масала хусусида шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси Муборак Юнусхўжаева шундай ҳикоя қилади:

— ШАҲРИМИЗ аёлларини бир жойга жамлаб, бугунги кун ва ҳозирги иқтисодий тақчиллик, болаларнинг тарбияси ҳақида фикрларини билмоқчи бўлсангиз аввалги йиллардагидан бирмунча фарқ қилади. Нега десангиз жойларда тузилган хотин-қизлар кенгашларининг аёллар билан иш олиб боришлари яхши самара бермоқда. Даставвал кенгаш ўз ишини бошлаган • кезларда туманлардан турли хил сўровлар, маслаҳатлар сўрагани аёлларимиз тез-тез келиб туришарди. Аммо барчаси шаҳарнинг қайсидир четидан келганини ва транспорт муаммоси ҳақида куюниб сўзлардилар. Бора-бора бунинг ҳам чорасини топдик. Жойларда хотин-қизлар кенгашлари тузишни биринчи навбатдаги вазифамизга қўйдик. Ҳозирги кунда ҳар бир туманнинг ва туманлардаги маҳаллаларнинг хотин-қизлар кенгашлари мавжуд. Мана шу кенгашларнинг фаолликлари туфайли маҳалла ва гузарларда кўплаб намунали тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шу ўринда мен Сергели тумани хотин-қизларининг иш фаолиятига алоҳида эътиборни қаратмоқчиман. Кенгаш раиси Дилшода Абдуназирова ҳар бир ишни режа асосида олиб бораётир. «Соғлом авлод учун», «Болаларни она сути билан боқиш», «Қайнона — она, келин — қиз», «Оилада ота ва онанинг роли», «Болаларга худди катталардай муносабатда бўлинг» каби мавзуларда кенг қамровли суҳбат ва учрашувлар ўтказиб бориляпти. Бундан ташқари Дилшодахон ўзи раҳбарлик қилаётган 300-лицейда таълим олаётган болаларга ва уларнинг ота-оналарига таълим-тарбия борасида ҳам суҳбатлар ташкил этмоқда. Шунингдек, туман аёлларининг ҳар бир ишда фаол бўлишлари учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг раиси Еқутхон Исҳоқова ҳам бу масалаларга жиддий эътиборни қаратган. Жойларда аёллар учун энг керакли бўлган ҳамшираликнинг сир-асрорларини ўргатиш борасида ғамхўрлик қилаётир. Ёш боласи билан ишсиз бўлиб қолган аёллар туманда ташкил топаётган кичик корхоналарда ишлашга жалб этмоқда. Бунда улар касначиликдан фойдаланишмоқда.

Умуман олганда, шаҳримиз туманларидаги хотин-қизлар кенгашларида иш олиб бораётган аёлларимизнинг ғайрати жўшқин. Юқоридаги фикримни янада тўлдириш мақсадида шуни айтиб ўтмоқчиманки, олиб борилаётган тарғибот ишларимиз жойларда ижобий натижалар бермоқда. Масалан, Мирзо Улуғбек туманининг Ойдин ва Охунбобоев номли, Ҳамза туманининг «Гулистон», Яккасарой туманининг Муқимий ва Юнус Ражабий номли, Акмал Икромов туманининг «Оқ тепа» маҳаллаларида ўтказилган тадбирларда қайта тикланаётган урф-одатларимиз, удумларимиз ҳақида шу жойларда истиқомат қилаётганларнинг ўзлари тўлиб-тошиб гапиришди. Кенгаш ёрдамида яна қандай намунали ишларни йўлга қўйиш мумкинлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Айрим жойларда таниқли олималаримиз, профессор аёллар, фан арболари билан учрашувлар ўтказишни таклиф қилдилар. Шаҳид кетган ўзбек ўғлонлари ва аёллари ҳақида, Тўмариснинг қаҳрамонлигию, Нодирабегим ва Зебуннисоларнинг ижодларига батафсил тўхталиб ўтишни илтимос қилишди.

Уларнинг таклиф ва талабларига биноан комитет қошида ташкил топган «Ижодкорлар гуруҳи» ва олималар уюшмаси аъзолари юртимиз мустақилликка эришгунга қадар ва шундан кейинги икки йил давомида нималарга муваффақ бўлгани тўғрисида учрашувларда гапириб беришди. Ижодкорлардан Нодира Рашидова, Нилуфар, Муножот Нурматова, Ойдин Ҳожиева, Марзия Эрдонова ва бошқалар мумтоз шоиралар ҳақида гапириш билан бирга ўз ижодларидан намуналар ҳам ўқиб беришмоқда. Бугунги кунда амалга ошираётган тарғибот ишларимиз кенгаш ва комитетлар аъзоларининг амалий жавоблари десак сира янглишмаймиз. Бу йўлда шаҳримиз аёллари ҳеч қачон ҳоримайдилар.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

Орасталик сирлари

Ҳотиржам бўлишга урининг

● Узим ёшман. Шунга қарамай юзимда ажин бор. Ажин нимадан пайдо бўлади! Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Дилфуза Акромова, ишчи.

ЎЗИНГИЗГА эътибор беринг: сизда пешонани тириштириш ёки қошни кўтариш одати йўқми? Кўпчилик буни ўзи пайқамайди. Аслини олганда ушбу ҳолат киши юзига ажинлар жуда эрта (15-30 ёшларданоқ) тушишга сабабчи бўлади. Кўпгина ёш қизлар гаплашаётганда суҳбатдошини менсимай, нимадандир норози бўлиб, юзларини буриштиришади. Бундай ҳолда юзда аввал билинар-билинмас майда ажинлар пайдо бўлади, кейин улар аста-секин чуқурлаша боради. Кўзи яхши кўрмайдиган, лекин кўзойнак тақишга уяладиган ўсмирларимизнинг кўзи атрофида майда ажинлар елпиғичга ўхшаб ёйилиб кетади. Бурундан оғиз бурчагига томон тушган чуқур ажинлар кишини жуда қари кўрсатади. Бу ҳолат баъзи одамларда фақат косметик нуқсон эмас, балки киши феъл-атворининг маълум хусусиятлари туфайли юзага келган дейиш мумкин. Бундай кишилар кўпинча нимадандир норози бўлиб юрадиган, бекорга нолийверадиган хилидандир. Аввало пешонани тириштириш одатини йўқотишга ҳаракат қилинг.

КЎПИНЧА никоҳдан ўтаётган ёш келин-куёвни кўрган атрофдагилар уларни бир-бирига ўхшатишади. «Узукка кўз қўйгандек мос», «Юлдузи юлдузига тўғри келган» деган иборалар ҳам ана шу ўхшатишдан келиб чиққан бўлса керак. Турмуш қургандан кейин рўзғор аравасини елкадош бўлиб тортган эр-хотин бир-бирига ҳар жиҳатдан ўхшаб кетади. Қадимги инсон руҳини ўрганувчи донишмандлар ҳам ўзларининг кузатишлари натижасида маълум вақтда, масалан 10-15 йил бирга яшаган эр-хотиннинг бора-бора фақат ташқи кўринишларигина эмас, шу билан бирга феъл-атвори, юз ифодаси, табиати ҳам бир-бирига ўхшаб кетишларини исботлаганлар. Дарҳақиқат, кўп оилаларда эр-хотин табиатларини яхши ўрганганларки, нима демоқчи эканлигини биргина ишорадаёқ билиб олишади. Бу ўрганиш оила тинчлигида муҳим аҳамиятга эга.

Оила тинчлигидан азизроқ, тотлироқ нарса бўлмаса керак. Шу тинчликни сақлаш кўпроқ оила бошлиғининг қўлидами ёки бекانمي, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, амалда ҳар иккисининг ўз ўрни, масъулияти бор. Шунга қарамай, оилани бахтли қилишда кўпроқ аёлларимизнинг ўрни катта. Чунки жамики эзгу хислатларнинг ҳаммаси уларга хос.

Ҳозирги пайтда оилаларда жанжаллар бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг сабаби эса арзимаган келишмовчиликлар. Аслида ҳаёт у қадар аччиқ эмас. Уни бизнинг ўзимиз аччиқ қилиб юборамиз, мураккаблаштирамиз. Ҳозир ҳамма асабий, тажанг бўлиб қолган. Ишда юз берган кўнгилсизлик, албатта уйга бориб давом этади ёки аксинча. Руҳиятшуносларнинг айтишларига қараганда, оила бошлиқлари қанчалик кенг-феъл, ҳушмуомала, кечирувчан, сертабассум бўлишса, уларга ҳаёт шунчалик файзли ва ширин кўринар экан.

Бир қўшнимиз бор. Эр-хотин жуда иноқ яшашади. Бир-бирига қовоқ-тумшуқ қилганини ҳеч кўрмаганман. Ҳамиша юзларида табассум, ширинсўзлар. Бир куни нима бўлди-ю гапдан гап чиқиб кетиб шу оиланинг бекаси Роҳила опадан «Эрингиз сизни ҳеч урганми?» деб сўрадим. Роҳила опа бўлса кулиб, «Нега энди уриши керак?» дея саволимга савол билан жавоб қайтарди. Кейин сўзида давом этиб, «Содиқ акам билан турмуш қурганимизга йигирма йилдан кўпроқ вақт бўлган бўлса бирор марта «сан-манга» бормаганмиз. Кўз тегмасину ҳамма нарсани бамаслаҳат ҳал қиламиз. Бирор жойга бормоқчи бўлсам, Содиқ аканинг рухсат беришини билсам ҳам сўрайман. Ҳар ҳолда у киши оила бошлиғи, ҳурмати бўлиши керак. Баъзан бизда ҳам кўнгилсизлик бўлади. Ишдан чарчаб ёки ёмон кайфият билан келса, дарров иссиқ чой дамлаб қизиқ-қизиқ воқеаларни гапираман. Бир зумда кўнгилсизлик эсдан чиқади. Ёки оилада бирор-бир етишмовчилик бўлса, у менинг кайфиятим ёмон пайтда эмас, мавридини пойлаб тушунтиради. Муаммони ўртада ҳал қиламиз», деди.

Сиз оила қурдингиз

ЁМОНИНИ ЯШИРИБ, ЯХШИСИНИ ОШИРИБ

Роҳила опанинг гапларини эшитиб, ҳозирги ёш оилаларни ўйлайман. Кечагина «Лайли-Мажнун» бўлиб юрганлар оила қуришгач, майда-чуйда ташвишлар олдида гангиб қоладилар. Айниқса, бундай ташвишлар кўпайиб кетиши, эр-хотиннинг ўртасидаги муносабатга путур етказади.

— Эркак киши оиладаги ишкирчикирлар, камчиликлар ҳақида эшитишни ёмон кўради, — дейди Шаҳодат ая. — Ҳадеб камчиликлардан нолийвериш уни оиладан бездиради. Аслида у ҳам оила таъминотини, осойишталигини, ишдан ҳориб келганда хотини кулиб кутиб олишини истайди. Шундай экан, рўзғорнинг ҳам моддий, ҳам маънавий тўкис бўлиши кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ.

Оила бошлиғи ва уй бекаси учун энг асосий нарса бу бир-бирларига керакли эканини ҳис қилиб яшашдир. Турли мавзуларда тез-тез суҳбатлашиш, уларни бир-бирига яқинлаштиради. Ота-онанинг оила аъзолари учун энг азиз киши эканлигини фарзандларга ёшлигиданоқ сингдириб бориш керак. Айниқса, уларнинг олдида жуда эҳтиёткорлик билан муомалада бўлиш лозим. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир ўғил-қиз бўлғуси тотув оиланинг яратувчисидир. Шунингдек, эр-хотин бир-бирининг фазилатини тўлдириб бориши лозим. Эрининг айбини ёки хатосини кўпчилик олдида ошкор қилиш ўрнига, яхши томонларини мақташ ундаги ана шу ёмон хислатларни йўқотади.

Руҳиятшунос олим Маҳмуд Йўлдошев ўз кузатишлари натижасида эр-хотиннинг бир-биридан фазилат қидириб яшаши, тинч-тотув, қўша-қариб яшашнинг ягона усули эканлигини таъкидлайди.

— Баъзида биз ўзгаларнинг, ўзга оила вакилларининг яхши хислатлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирамизу ўз ёнимиздаги энг азиз инсон — турмуш ўртоғимизнинг яхши томонлари ҳақида лом-мим демаймиз, — дейди Маҳмуд Йўлдошев. — Баъзида тез-тез улардан камчилик ахтарамиз. Бу — нотўғри. Унинг ўрнига ёмонини яшириб, яхшисини ошириш ёдладаги тотувликни белгилайди. Бу ҳақда америкалик руҳиятшунос олим Дейл Корнеги ўз муносабатини билдириб шундай дейди: «Инсоннинг яхши фазилатларини ёки ёмон хислатларини ўзига бошқача қилиб, мақтаб айта олиш ҳам бир санъат. Киши бу дунёга бир нафаслик меҳмон. Вақт ўтгандан сўнг унинг «У шундоқ фазилатли одам эди» деб юрмоққа не ҳожат. Ундан кўра эр билан хотин ҳамиша бир-бирига суяниши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши лозим».

Назира СОДИҚОВА.

Қушиқ сеҳри

ОДАМЛАР ОРЗУ ҚИЛСА.

ЯХШИ қўшиқ ҳақида гап кетганда хонанда Адиба Каримованинг юрагимга муҳрланиб қолган она ҳақидаги қўшиғини эслайман. Кўринишдан камсуқум, камгап Адибани баъзи хонандалар каби турли давраларда учратиш қийин, лекин радионинг олтин фондидан жой олган саноқли қўшиқлари ўз жозибаси билан кишини мафтун этади. Адиба Каримова бир неча йилдирки, республика радиоси қошидаги хизмат кўрсатган хор бадиий жамоасида хизмат қилиб келмоқда. Бўш вақтларида эса композитор ва бастакорлардан қўшиқлар ўрганиб, уни халқ ҳукмига ҳавола этмоқда. Келинг, хонанда билан суҳбатлашайлик. Суҳбат давомида сиз у ҳақда кўп нарсаларни билиб оласиз.

— Адиба, ҳар бир ота-она фарзандининг нимага лаёқатли эканлигини у жуда ёшлигидан пайқайди. Сизнинг ота-онангиз санъатга бўлган ҳаваснгиз муҳаббатга айланиши учун қандай ҳисса қўшишган!

— Биласизми, санъатга кириб келишимга дадамлар сабабчилар деб ҳеч иккиланмасдан айта оламан. Оллоҳнинг марҳамати туфайли озгина овоз берилганиданми ёки қўшиқ айтишдек буюк бир бахтни улардан олганлигим, ундан ташқари дадамларнинг театр ва рассомчилик институтига етаклаб бориб, санъатга олиб кирганликлари туфайлими дадамларнинг катта ҳиссалари бор, деб ўйлайман.

— Оилангизда сиздан бошқа санъаткорлар борми!

— Менга қадар оиламизда санъаткор бўлмаган. Лекин жудаям санъатни севиб, уни буюк бир қудратга айлантирган оила. Мендан кейин эса дуторчилар дастасида синглим Камола ижод қиляпти.

— Санъат оламн шундай дунёки, унга қадам қўйган одамни қандайдир кўзга кўринмас иплар чамбарчас боғлайди. Энди унинг бу дунёдан ажрим бўлиб чиқиши қийин. Лекин шу санъат дунёсининг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Сиз ўзингизнинг йўлингизни топиб олишингизда қандай тўсиқларга дуч келгансиз!

— Тўғри, санъат ўз оҳанрабоси билан тортади ўзига. Санъатга кириб келиш қийин. Санъат оламига жудаям кириб кетмаган бўлсак ҳам, биринчи қадамни қўйиш қийин. Балки санъат эркак, аёл деб ажратмас, лекин ижод жараёни ажратишни лойиқ кўради. Эркаклар учун ижод қилиш нисбатан осон. Нимага деганда уларда бўш вақт кўп, ижод жараёнида. Аёлларга эса қийин, айниқса оилали аёллар учун.

— Ҳар бир қўшиқ ўзига хос ҳолатда туғилади. Сизнинг биринчи қўшиғингиз қандай ҳолатда туғилган!

— 1979 йилда мен энди илм даргоҳини битириб келганимда саккиз йилгача «овозим чиқмаган» эфирда. Кейин ўзим ўйлаб қолдим: нимага шунақа? Фароғат Раҳматованинг «Раҳмат, онажон» қўшиғи мени жудаям ўзига тортиб юрарди. Агар шуни тайёрласам-чи, дедим, ахир бу жуда классик қўшиққа айланган бўлса. Хуллас, шу қўшиқ билан биринчи бор радио тўлқинида чиққанман. Шундан кейин бирин-кетин бошқа қўшиқларим чиқа бошлади.

— Адиба, ҳар битта ижодкорнинг қўшиқлари орасида энг маъқул бўлганлари бор, айримларидан кўнгил тўлмайдиган жойлари бўлади. Сизда шу ҳолат қанақа? Ҳамма қўшиқларингиздан бирдек кўнглингиз тўладими!

— Хонандада бир нарса борки, бир қўшиғи орқали тингловчининг юрак-юрагига сингиб кетади. Бу биласизми нимадан? Қўшиқ ўзи учта ижодкорнинг ижод якуни. Хонанда ана шу ижод меваснни дунёга келтирадиган, одамларнинг юрагига олиб кирадиган шахс ҳисобланади. Агар хонанда ўзининг юрагининг бир бўлаги қилиб олмас экан, ўзининг ҳиссидан, юрагидан ўтказмас экан, у жудаям яхши қўшиқ бўлолмайди. Яхши қўшиқларим йўқ эмас, Баҳрилла Лутфуллаевнинг «Сиз келасиз деб» деган қўшиғи мен учун жудаям ардоқли. Чунки у иффатли, латофатли аёл кишининг умид билан кутаётгани, туйғуларининг ифодаси.

— Адиба, мана сиз катта жамоада, хор жамоасида хизмат қиляпсиз. Бу ерда сизга кимлар устозлик қилишяпти!

— Мен институтни битирганимдан кейин хор жамоасига ишга кирдим. Шунга ҳам 14 йил бўляпти. Менга бу ерда бадиий раҳбаримиз Ботир Умиджонов, ҳозирги хормейстеримиз Жўра Шукуровлар яқиндан ёрдам беришади. Мен хор жамоасини ижод жараёнидаги бир лаборатория, деб айтгим келади.

— Бу саволим ўринлими билмадим: кейинги вақтда нима учун янги қўшиқлар ижро этмай қўйдингиз!

— Ҳали айтганимдай, ижод жараёни қийин, оила, болалар дегандай. Иккита фарзандим. — Назокат, Нафосат деган қизларим бор. Улар ҳали ёш. Шулар асосий вақтимни олади. Бу вақтинча, албатта. Лекин қўшиқ айтгим келади. Айтганда ҳам одамларга ёқадиган қўшиқ айтгим келади.

— Яқинда бир бастакор билан суҳбатлашган эдим. Улар шу вақтгача ўз ижрочисини тополмаётган қўшиқларим бор, деб, айтди. Қўшиқни халққа яқинлаштириш учун нима қилиш керак!

— Балки, қанақа бўларкин бу гапим, телевизорда, радио тўлқинида шунақа қўшиқчилар чиқишадики, «Вой, шуям қўшиқ айтяпти-я» деган фикрга келасан. Шунақа ижрочилар борки, овози жуда чиройли, нега кўринмайди, деб сўраймиз у ҳақда. Унга бир қўшиқ мос тушган бўлса, бошқасини ўрнилатолмаслиги мумкин. Бу бастакорларга боғлиқ.

— Адиба, орзу-умидларингиз қандай!

— Мен ўзимни бахтли аёл деб ҳисоблайман. Оилам, фарзандларим бор. Турмуш ўртоғим тушунади. Яхши қўшиқлар ижро этсам, одамлар шу хонанданиям юраги бор, деб айтишса дейман.

Муҳайё МИРСАИДОВА.

◎ СУРАТДА: Адиба Шарипова фарзандлари билан.

Тошкент чинни заводида меҳнат қилаётган аёлларга етарли шарт-шароит яратиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Шу боис ҳам мазкур корхонада иш унуми юқори бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланиб бормоқда.

СУРАТДА: чиннилларга гул тушириш цехида бошқаларга ўрнак кўрсатаётган ишчи аёлларни кўриб турибсиз.

Андрей Пишненко сурати.

Болалик боғи

ИШКОМ

Ишком менга эслатар
Камтар ишчини.

Токин ерда қолдирмас,
Англар бурчини.

Турар токин опичлаб,
Майишиб бели.

Соғлом узум олсин дер
Меҳрибон элим.

ҚОВУН

«Эски чопон» қовуни
Қилувдим тилим-тилим,

— Усти ёмон ҳунук-ку,
Қўйинг, сўйманг, — дер ўғлим.

Бир каржини еб кўргач,
Уз-ўзидан уялди.

— Э, ичи ширин экан,
Яна борми! — деб қолди.

КИШМИШ

Тишсиз аммам есин, деб,
Еш гўдак ҳам есин, деб.

Данаксиз бўлиб пишдим,
Асалга тўлиб пишдим.

Таърифим бор лаззатда,
Майизим ҳам иззатда.

Бу тупроқнн зар қилган, —
Йўқдан мени бор қилган,

Боғбонимга денг раҳмат,
Соғлиқ-ла тиланг омад!

ЮРАК

Постида маҳкам
Тинмайди дук-дук.

Муштдек бўлса ҳам
Танда энг суюк.

Мускулларга дер:
Ишлаб тўкинг тер.

Ғайратда ёнсам
Умрим узоқ, — дер.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲДА

КУНИ кеча Мирзо Улуғбек туманидаги Т. Умаров номли 99-ўрта мактаб ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга собиқ ўқувчилар, турли идоралар вакиллари ана шу қутлуғ даргоҳнинг 30 йиллигини нишонлаш учун тўпланишди.

Ғоят мароқли ўтган тантанада ўқувчиларга намунали таълим-тарбия берган ўқитувчиларга шаҳар, туман, ҳокимлиги, халқ таълими бошқармасининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди. Баъзи ўқитувчилар фахрли дам олишга кузатилди. Эртасига тонгда дастурхон тузатилиб, ош тарқатилди.

Маросимни ўтказишда фаол иштирок этган ва яқиндан ёрдам берган «Оққўрғон», «Дархон» маҳалла комитетлари аъзоларига мактаб жамоаси чуқур миннатдорчилик билдирди.

Ана шу тантанада мактабни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган, унинг биринчи директори марҳум Тўхтамурод Умаровнинг оила аъзолари ҳам иштирок этишди.

Мавлуда МИРЗАЕВА.

Ҳайвонот оламида

БЕОЗОР СУҒУР

ИНСОНИЯТ яшаб турган Ер куррасида нима кўп, турли-туман, катта-кичик жонзотлар кўп. Ана шу она табиатда мавжуд бўлган ҳар бир жонивор, хоҳ у умуртқали, хоҳ у умуртқасиз бўлсин, ҳаёт кечиришга ва ўзидан авлод қолдиришга мослашган. Ана шундай ҳайвонлар қаторига суғур мисол бўла олади. Суғур аслида кемирувчилар авлодига мансуб, яқин-яқин йилларгача қир-адирларга, тоғли арчазорларда кўп учрайдиган ҳайвон эди. У республикамизнинг жанубий, шимолий, шарқий ва марказий ҳудудларида кўп учрайди.

Аммо одамларнинг суғурларга бўлган шафқатсизларча муносабати оқибатида ҳозирги пайтда бу беозор ҳайвонни кўриш қийин бўлиб қолди. Бир мисолга эътибор берайлик: Иттифоқ деб аталмиш даврда, Ўзбекистон ҳудудида 1925—1926 йилларда 12 мингга яқин суғур териси тайёрланган. 1935 йилда Ҳисор тоғ тизмасидан 3500 дан кўпроқ суғур ушланган. Шу жойдан 1975 йилга келиб 135 дона тери топширилган. Кўриб турибсизки, ҳеч қандай режасиз, шафқатсизларча муносабат оқибатида табиатимиз бойлиги ва гўзаллигини сақлаб турган бу беозор суғурлар сони камайиб кетди.

Ўзбекистон ҳудудида узун думли ёки қизил суғур кўп учрайди. Унинг тана узунлиги 60 сантиметр, оғирлиги 9 килограммгача келади. Бу турнинг ўзига хос белгиларидан бири шуки, бўйни калта, кўзи катта-катта, қулоқ супраси кичик, териси узун жун билан қопланган. Табиий шароитда махсус, ўта мураккаб уяларда яшайди. Уя узунлиги 8, чуқурлиги 3 метр атрофида бўлиб, битта уядан 6 тагача кириш ва чиқиш тешиклари мавжуд бўлади. Суғурлар табиатда қизиқ ҳаёт кечиради. Эрта кўкламдан бошлаб авлод қолдириш ва қишлашга тайёргарлик кўради. Қиш фаслида чуқур ин-уяларида уйқуга кетади. Бир йилда 4-5 та бола туғади. Суғурлар қундуз кунлари ўта ҳаракатчан бўлиб, ўсимлик гуллари, уруғлари, барг, поя ва илдиз туганақлари билан озиқланади.

Республикамизнинг айрим ҳудудларида қизил суғурдан ташқари, кичикроқ бўлган кенжа тур — мензбир суғури ҳам учрайди, У асосан баланд тоғларда яшашга мослашган бўлиб, Чотқол, Ҳисор ва Бойсун тоғларида яшайди. Мензбир суғури бошқа мамлакатларда учрамайди. Бу жонзотнинг сони йилдан-йилга кескин камайиб кетаётганлиги сабабли у республика «Қизил китоб»ига киритилган.

Ажабланадиган жойи шундаки, аксарият кўпчилик фуқаролар ўзи яшаб турган ўлканинг ҳайвонот дунёси таркибини яхши билмайди. Қандай турлар «Қизил китоб»га киритилган, қайси бир турлари нодир ҳайвонлар рўйхатига олинганлигини тасаввур қила олмайди. Шу сабабли ҳам билиб билмасдан суғурларни айни кўпайиш даврида ушлашади.

Фикримизча, суғурларни табиатда учраш сонини мутахассислар ҳисоб-китоб қилмасдан ушлашга мутлақ рухсат бермаслик лозим. Фақат шундай вазиятда суғурлар сонини табиатда тиклаш ва уни сақлаб қолиш мумкин.

Норқўзи ЭРГАШЕВ, Қодир ОЛЛОБЕРГАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтининг илмий ходимлари.

*Жасоратнома

ТАҚДИРНИНГ ЎТЛИ СИНОВЛАРИ

МАҲМУД АҲМЕДОВ Тошкент шаҳридаги 85-мактабнинг 7-синфида ўқирди. У бу пайтга келиб, мусиқа муаллими Аҳмаджон акадан скрипка чалишнинг сирларини ўрганиб олиб, қўли анча келиб қолган эди. Шу боис ёш ҳаваскорлар тўгарагининг иқтидорли аъзоси сифатида тез-тез Ўзбекистон Давлат радио комитетига ҳам бориб, бериладиган концертларда қатнашиб турарди. Паст бўйли, ёшгина, чаққонгина бу ўспиринниг мусиқа асбоб пардаларида сеҳрли бармоқлари билан нозик ҳаракатлар қилиб, киши қалбини мафтун этадиган оромбахш куйлар таратиши устоз Юнус Ражабийнинг эътиборини ўзига тортади. У ўспиринни ҳузурига чорлаб, у билан қисқача суҳбат қилади. Сўнг дейди:

— Сени радиога созанда қилиб, ишга таклиф қилсак нима дейсан ўғлим?

— Жоним билан рози бўлардим.

Шу-шу Маҳмуджон радио комитети қошидаги Юнус Ражабий бошлиқ халқ чолғу ансамблида созанда бўлиб ишлай бошлади. Эпчилгина, ҳаракатчан эмасми, тез орада Ориф Қосимов, Маҳмуд Юнусов, Турғун Алиматов, Акмалхон ака каби таниқли созандалар билан ёнма-ён бўлиб кунданкун ўз маҳоратини ошира борди, эл назарига тушди. Бу орада ҳарбий хизматга бориб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ муддати ҳам эшик қоқиб қолди.

— 1941 йилнинг 10 июнида ҳарбий хизматга чақирилдим, — дея ўтган воқеаларни хотирлайди Маҳмуд ака. — Боку шаҳрига бориб энди хизмат ўтаётганимда уруш бошланиб қолди. Тез орада қисқа курсни тугатиб, танкка қарши отиш бўйича мутахассис бўлиб «Кичик ер»да фашистларни тор-мор қилишда иштирок этдим. Шундан сўнг Керчдан тортиб, Севастополгача бўлган оловли — суронли жангларда қатнашдим. 1943 йилнинг октябрь—ноябрь, 1944 йилнинг март ойларида чап оёқ ва қўлим ярадор бўлгани туфайли ҳарбий госпиталларда бироз даволаниб, соғайиб чиққач, яна жангга кирдим. Энди дастлабки ҳарбий синовлардан муваффақиятли ўтиб, жанг кўриб, сув кечиб, қон тўкиб чиниққан Маҳмудни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар кутарди.

Тақдирнинг эгри-бугри, илон изи йўллари билан у Чехословакияга, Карпат тоғларининг қорли чўққилари яқинига келиб қолди. 1944 йилнинг октябрь ойида Маҳмуд хизмат қилаётган 1-алоҳида Денгизбўйи Армияси 55-ўқчи дивизиясининг 327-ўқчи полки фашист газандаларини тириқтириб, бир қишлоққа яқинлашган эди. Шунда қўмондонлик вақтича орқага чекинишга қарор қилди. Аммо бунинг иложи йўқ эди. Сабаби, катта сержант Маҳмуд Аҳмедов бошлиқ тўрт жангчи асосий қисмдан ажралиб, тоққа чиқиб олган, у ёғи баланд-баланд қорли чўққилар, қуюқ ўрмон, буёғи ўртадаги кўзга яққол ташланиб турган қишлоқда жон-жаҳди билан олишаётган душман, орқа томонда эса бизникилар. Вазият ниҳоятда оғир, хатарли эди. Улар охирги ўқ-дорилари қолгунча душман билан олишиб, қурбонлар беришди. Душман кучли эди. Ўқ-дорилар тугагач, ўрмонга яширинишга мажбур бўлишди. Маҳмуд шу атрофда чех партизанлари бор деб, эшитган эди. Уларни учратиш илинжида икки кечакундуз қалин ўрмонзорларда ўзи қолиб кетди. Ниҳоят, оч-наҳор, тинка-мадори қуриб, синиб ётган бир дарахтга суяниб ўзидан кетди...

Маҳмудни уч марта сўроқ, қийноқ-қистовга олишди. Аммо бирор аниқ маълумот олишолмади. Бу дамларда қўшинларимиз душманнинг сўнгги истеҳкомларини тор-мор келтириб, кун сайин Берлинга яқинлашмоқда эдилар.

Уни ҳарбий батальонга юборишди. Бу ерда уни ҳарбий асирлар яшаётган бир кулбага ташлаб кетишди. Тунда энди ухламоқчи бўлиб турганида, ёнидаги ҳамхоналаридан бири унинг қулоғига шивирлади: «Сержант, агар бизни ўзимизникилар олдида оқласанг, биз сени чех партизанлари олдига олиб боришга ёрдам берамиз».

Шундай қилиб улар тўрт киши бўлиб, 24 октябрга ўтар кечаси ўрмон ичига қочишди. Тонгга яқин бир ялангликка устидан чиқиб қолишди. Бир хонада милт-милт ёнаётган ёруғ кўринарди. Ўзи ҳаммаёғи йиртилиб, погони узилиб ташланган совет ҳарбий формасини кийиб олган Маҳмуд орқасидан немислар кийимида бўлган учта асирга мурожаат қилди:

— Фақат орқамдан юрасизлар, урса ҳам, сўкса ҳам чурқ этмайсизлар.

— Келишдик.

Маҳмуд аста бориб шам ёнаётган хона деразасини тақиллатди. Кўп ўтмай кекса, бир аёл қўрқа-писа эшикни очди.

— Қўрқманг, панка, биз сизларга ёрдамга келяпмиз. Бизга чех партизанлари қароргоҳини кўрсатсангиз, — деди Маҳмуд аёлни тинчлантириб.

Аёл уларнинг бир чақирим наридаги қишлоқда эканликларини айтди.

Шу тариқа улар 1-Украина фронтига қарашли ҳаракатдаги Шчорс отрядининг Чапаев номли бирлашмаси командири, полковник Вовкин ҳузурига келиб, ўзларини таништиришди. Маҳмуд ҳеч қандай гапсўзсиз ана шу бўлинманинг ҳақиқий аъзоси қилиб қабул қилинди ва унинг таркибида жанговар ҳаракатларда фаол иштирок этди. Кўп ўтмай Маҳмуд Аҳмедов яна ўз қисмига келиб қўшилди. Бу орада унинг жангларда бедарак йўқолиб, ҳалок бўлганлиги ҳақида Тошкентга икки бор «қора хат» келди. Қўшинларимизнинг шиддатли юриши натижасида кун сайин душманнинг ҳоли танг бўлиб, унинг пайтавасига қурт, юрагига ғулғула тушган, Армиямиз Берлин остоналарига яқинлашиб қолишганди.

Ўлим олди бўсағалари яқинлашиб, таҳликага тушиб қолган душман қисмлари чекиниш олдидан «ётиб қолгунча отиб қол» қоидасига амал қилишарди. Ана шундай жангларнинг бирида, 1945 йилнинг 16 апрелида Маҳмуд Аҳмедов ўнг қўлидан оғир ярадор бўлиб, шифохонага тушиб қолди ва орадан 2—3 ой ўтгач, ота-онаси бағрига, Тошкентга қайтди.

Энди унинг мусиқа асбоби пардаларини нозик босиб, оромбахш куй, оҳанглар таратувчи сеҳрли қўл бармоқлари яхши итоат этмасди. Лекин ёшлигидан нафис санъат, куй, қўшиққа бўлган чинакам ихлос, меҳр-муҳаббат уни бу йўлдан сира қайтаролмасди. Ўз севган касбига бўлган чинакам фидойилик, тинимсиз меҳнат натижалари ўлароқ, урушдан иккинчи гурух ногирони бўлиб қайтган Маҳмуд Аҳмедов ўзининг бутун умрини ёш болалар ва мактаб ўқувчиларига мусиқа билимидан дарс бериш, уларга улкан санъат сирларини моҳирона ўргатишдек хайрли ишга сарфлади, элда иззат-ҳурмат қозонди.

Айни кунларда тақдирнинг ўтли синовларидан мардонавор ўтиб, жангларда ва меҳнат жабҳасида кўрсатган беқиёс жасорати ва фидойилиги эвазига Қизил Юлдуз, биринчи даражали Ватан уруши орденлари ҳамда бошқа бир қанча фахрий нишонлар соҳиби, тўрт қиз, бир ўғил, 20 га яқин невараларнинг севимли ота-бобоси уруш ва меҳнат фахрийси Маҳмуд Аҳмедов рафиқаси Насибахон ая, фарзандлари, эл-юрт ардоғида яшаб, ҳамон ёш йигитлардек елиб-югуриб, эзгу ниятларини амалга ошириб юрибди.

Бундай жанг кўрган, камтарин, меҳнаткаш, ажойиб тақдир эгаси Маҳмуд Аҳмедов сингари инсонлар билан нафақат у яшаб турган пойтахтимиздаги «Каттабоғ» — «Эшонгузар» маҳалла аҳли, балки бутун шаҳримиз фахрланса арзийди.

Искандар РАҲМОН,
Қуролли кучлар фахрийси, тиббий хизмат подполковниги, соғлиқни сақлаш ваълочиси.

*Билиб қўйган яхши

ТАРЖИМА АСАРЛАР ТАРИХИДАН

ЭНГ қадимий тарихий китоблардан бири Абул Абдулкарим Иззуддин бин ал Асирла Жазарийнинг «Тарихи комил» деган асари бўлиб, у бутун дунё тарихига бағишланган. Мазкур асар ҳижрий 628 йилда ёзилган.

Ўн икки жилддан иборат мазкур мукаммал асар XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмда таржима қилинган. Бу улуғ ва тақдирлашга сазовор бўлган ижодий ишни катта таржимонлар жамоаси атиги 5-6 йил ичида ўзбек тилига ағдариб улгурган.

* * *

XIV АСРнинг охири, XV аср бошида ёзилган «Тузуки Темурий» асари ўзбек тилидан форсчага таржима қилинган. «Таржимаи Тузук Темурий» — Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан иборат бўлиб, «Тузук Темурий ёки «Малфузоти Амир Темури» деб аталган китобларнинг таржимасидир.

Унда Амир Темурнинг ёшлигидан тортиб то жаҳонгир бўлганига қадар ўтган воқеалар ёзилган, жанг манзаралари тасвирланган ва Темурнинг айтган фикрлари баён этилган. Асарни Абу Толиб ал Ҳусайний ўзбек тилидан форсчага таржима қилган. У ҳижрий 1258 йилда кўчирилган.

«Тузуки Темурий» китоби 1894 йилда Қозонда рус тилида босилиб чиқди. Тошкентда ҳам «Темурнома» («Книги Темура»), деган ном билан асарнинг биринчи қисми нашр қилинди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.

*Ўт балосидан сақланинг

«ТИЛСИЗ ЁВ» ҚУЛФАТЛАРИ

ШУ йилнинг ўтган тўққиз ойида шаҳримизда юз берган ёнғинларни сарҳисоб қилсак, оловнинг тилсиз ёв эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Шу ойлар ичида чиққан ёнғинлар сони 2000 га етай деб қолди. Бу офат туфайли келтирилган зарар эса 115 миллион сўмдан ошиб кетди. Энг аянчлиси, 16 нафар фуқаро ёнғин туфайли ҳалок бўлган. Табиийки, жойлардаги чиқаётган ёнғинларнинг асосий сабабчилари ҳам инсонлардир. Кишилар ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараётгани, болаларни қаровсиз қолдириши оқибатида кўплаб ёнғинлар рўй бермоқда. Келинг, яхшиси бунинг қанчалик тўғри эканлигини мисолларга мурожаат қилиб аниқлайлик.

Шу йилнинг 6 февраль куни Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчасидаги 357-«Б» хонадонда ёнғин содир бўлди. Унинг натижасида 1956 йилда туғилган В. Бойжуматов ҳалок бўлган. Ёнғин сабаби аниқланганда у газ плитасидан чиққанлиги, уй эгаси В. Бойжуматов эса маст ҳолда эканлиги маълум бўлди. Ёнғин натижасида уйнинг 90 квадрат метр қисмига ва жиҳозларга катта зарар етди.

13 феваль куни Яккасарой тумани Муқимий кўчасидаги 14-уйда ҳам ёнғин содир бўлганлиги ҳақида ўт ўчириш қисмларига хабар берилган. Ёнғин уй эгаси В. Саркисянцнинг телевизорни ёқиқ қолдирганлиги натижасида содир бўлган. Ачинарлиси, эндигина 4 ёшга тўлган Сусанна Сахарьянц тутундан заҳарланиб ҳаётдан эрта кўз юмди. Бундан ташқари, Н. Аганянц танасининг 30 фоизи куйган. Ёнғин уй эгасига каттагина иқтисодий зарар ҳам келтирган. Шунингдек, ёнғин қўшни 16-уйга ҳам ўтган.

Худди шундай 26 март куни Миробод тумани Малоспиталь кўчасининг 8-уй, 80-хонадонида чиққан ёнғинни ҳам эътиборсизлик оқибати, десак адашмаймиз. 1917 йилда туғилган уй эгаси С. Колгановнинг ёнғиндан сақлаш қонун-қоидаларига риоя қилмаганлиги сабабли уй бутунлай ёниб кетганлиги ҳам майлику-я, бироқ хонадон соҳибининг ўзи ҳам шу куни ҳаётдан кўз юмди.

31 март куни Шайхонтоҳур тумани, Самад Вурғун кўчасидаги 22-уйда содир бўлган ёнғин ҳам барчасидан ошиб тушди. Ёнғин натижасида 1989 йилда туғилган Алёша Мегайнинг бутун танаси куйгани сабабли уни Тошкент Давлат тиббиёт институтига олиб боришади, аммо барча муолажалар фойда қилмай у шу ерда ҳалок бўлади. Ёнғин сабаби ҳам Алёшанинг ота-онаси уни ёлғиз қўйиб кетганлиги боис боланинг гугурт билан ўйнаганлигидандир.

Кўриб турганингиздек ёнғин чиқишига бош сабабчи юқорида айтганимиздек кишиларнинг ўзлари, уларнинг лоқайдликлари. Буни Тошкентда ўтган ойларда рўй берган ёнғинларнинг 65 фоизи фуқароларнинг уй-жойларида содир бўлганлиги ҳам яққол кўрсатади. Шу муносабат билан ҳар ким бирорта ҳам ёнғин чиқмаслиги учун ёнғиндан сақлаш қонун-қоидаларини билиши шарт. Лозим бўлса мактабларда ҳам бу борада ёшларга махсус сабоқ берилса нур устига нур бўларди. Ҳамшаҳаларимизнинг ёнғинларнинг олдини олиш ойликларида фаол иштирок этажакларига ҳам умид қиламиз. Зеро, бугунги кунда ҳар қандай уйда рўй берган ёнғин катта маблағнинг ҳавога учиб кетиши деган гапдир. Шуни асло унутмайлик.

Шуҳрат ТОЖИЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармасининг назоратчиси, ички хизмат лейтенанти.
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги турар жойлар ва корхоналарда чиққан ёнғинлар; ўт ўчирувчиларнинг уни батараф этишдаги олов билан мардона олишувлари акс этган.

*Ичкиликбозлар ўқисин

БОЛАНИНГ НОЗИК КЎНГЛИ

НЕЧА кундирки, хаёлимдан жаҳжигина қизча кетмайди. Унинг чарос кўзлари одамларга нимадир демоқчидай туюлади. Ҳар гал уни ўйлаганимда, қўшним Холида опанинг ўша қизчанинг оиласидаги оғир шароит, кўнгилхираликлар ҳақида куйиб-пишиб гапиргани ёдимга тушаверади.

Холида опа бир куни бизникига ижки ёшлар чамасидаги қизчани етаклаб келди. Айтишига қараганда овсинининг қизи экан.

— Отинг нима? — деб сўрадим қизчадан.

— Дилшода, — деб унинг ўрнига Холида опа жавоб берди.

У ёш овсиннинг мазмунсиз ўтиб бораётган ҳаётига, вояга етаётган гўдакларга ачиниб:

— Бақир-чақирдан бироз бўлсаям ҳоли бўлади, деб Дилшодани олиб келавердим, — деди ўнғайсизланиб.

Сўнг гапида давом этди:

— Болаларга қараб эзилиб кетасан. Овсиним шўрлик ҳам яшаб ўтаяптида, бу дунёда. Қайним, унинг эри жуда ичувчан чиқди. Охирги пайтларда ичса умуман ўзини билмайдиган бўлиб қолган. Маст бўлди дегунча хотини кўзига хунук кўринадими, овсиннимни қўймайди. Болаларининг олдида боди кириб, шоди чиқади. Бир қарасанг бақириб йиғлашга тушади, бир қарасанг хотинини ураман, деб қувиб қолади. Энг каттаси Сожида 6-синфда ўқияпти, ҳар нарсага ақли етадиган қиз бўлиб қолган. Шу қиз отасини ёмон аҳволда ўтирганини кўрмасин деб бир сафар «Агар даданг ичиб келса укаларингни олиб бизникига чиққин» дедим. Сожида бўлса «Биз бўлмасак, дадам ойимни урадилар», деб йиғлаб юборди. Мен чидаб туролмадим. Сожиданинг кўнглини кўтариш ўрнига унга қўшилиб йиғладим. Шу қиздек даврим эсимга тушиб кетди.

Менинг дадам ҳам роса кўп арақ ичардилар. Айниқса, байрам яқинлашса, юракларимиз титраб турарди. Дадам ишдан келишлари билан олдиларига югуриб чиқардик, агар ичиб келган бўлсалар кайфиятимиз тушиб кетарди. Ўша пайтдаги ойимнинг ўзларини тутишлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ойим лаблари титраб кичкина хонага биз болаларни киргизиб, устимиздан илгакни тушириб қўярдилар. Энди билсам, болалар отасининг аянчли ҳолатини кўришмасин, кейинчалик хаёлидан кетмайди, деб шундай қилар эканлар.

Холида опанинг ўпкаси тўлиб гапира олмай қолди. Кўзларидан оққан ёшни рўмолининг учига артиб яна сўзида давом этди:

— Онамнинг кўрган куни қурсин. У маҳалда бечора болаларини суйиб эркалаш, ухлашдан олдин эртак айтиб бериш, бизнинг кийим-кечакларимизга қарашга ҳам баъзан вақт тополмасди.

Мана орадан қанча йил ўтиб кетди. Дадам кейинчалик куёвли, келинли бўлиб ичишни ташлаб юборди. Аммо барибир болалик хотирамда дадамнинг маст ҳолдаги қиёфаси муҳрланиб қолган.

Ичадиган кишилар ўзларининг соғлиғини, оиласининг тинчлигини ўйламагани каби болаларининг руҳияти билан ҳам қизиқмайдилар. Уларнинг тийрак хотиралари қанчалик кучли эканлиги, ўзлари болаларининг тасаввурларида қандай ҳолатда қолиб кетаётганликларидан ташвишланмайдилар.

Мен мана шу қизчаларга қараб ўзимнинг болалигимни эслар эканман, эрта кун келиб Дилшодаларнинг болалик хотирасида оталари менинг хотирамдаги каби аянчли ҳолда муҳрланиб қолмаса, деб қўрқаман.

Овсиним менга онамнинг ёшлигини ёдимга солади. У ҳам боласига йиғлаб туриб алла айтади, беҳаёлик ўтирибди». Унинг гапи тугамай даҳлизда қайним пайдо бўлди. «Маҳфуз...» Кўзим қайнимга тушди-ю, ер ёрилмади ерга кириб кета қолмадим. Тезда орқамга тисарилдим. Овсиним дарвозани тамбалаб қўйди. Бечора шу дарвозани беркитиш билан эрининг уятли аҳволини ҳам беркитмоқчи эди.

Овсиним бу кўргиликлардан кўра ажралишмоқчи ҳам бўлувди, лекин учта боласи билан қаёққа ҳам боради? Энди қайнотам бошқа ўғиллари билан келишиб қайнимни махсус даволаш касалхонасига юборишмоқчи. Балки у ердан даволаниб қайтгач, ҳаётлари изга тушиб кетар, аммо болаларнинг хотирасида оталари қолдирган кунлар ёдини ўчириб бўларканми?

Холида опа юрагига қатланиб қолган дардини тўкиб, сал енгил тортгандек бўлди. У кетди. Аммо унинг сўзлари анча пайтгача менга тинчлик бермади. Қизча кўз олдимга келар ва унинг чиройли кўзлари: «Кайф деган нарса наҳотки, биз болаларнинг қувноқ кулгиси, оромидан ҳам ширин бўлса. Наҳотки?..» деяётгандек бўлаверади.

Йўқ, чидаб туролмадим. Холида опа қолдириб кетган ҳасратни, қалб сўзларини қоғозга туширишдан ўзимни тиёлмадим. Балки бу ёзганларим кимнидир кайфини тарқатиб юборар, кимнингдир энсасини қотирар, аммо барибир уни ўқиганлар, айниқса, оталарни ўз фарзандларининг соф ҳиссиётлари, содда тасаввурлари ҳақида, боланинг кўнгли нозик бўлиши ҳақида чуқурроқ ўйлашга туртки бўлар. Ким билади, яна!

Мавлуда ЖАРҚИНБОЕВА
журналист.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 14 октябрда чиқади.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОЙИДА
14 ОКТЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 2 йиллигига бағишланади.
«ЗАРАФШОН» Давлат ашула ва рақс ансамблининг

«БУХОРО САЙИЛИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон халқ артисти
АҲМАДЖОН ШУҚУРОВ
Солистлар: Муродилло НОРҚУЛОВ, Замира НОМОЗОВА, Элмира НОРБОЕВА, Муяссархон ҚОСИМОВА, Рустам АБДУЛЛАЕВ, Дилором ШУКУРЖОНОВА, Зулфия ОРТИҚОВА.
Раққосалар ва созандалар гуруҳи иштирок этади.
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон ШУКУРОВ.
Балетмейстер — Ўзбекистон халқ артисти Вилоят ОҚИЛОВА.
Чипталар САРОЙ кассаларида ҳамда МЕТРО бекатларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.
Жамоа бўлиб келувчилардан буюртмалар қабул қилинади.
Телефонлар: 33-37-69, 33-73-10.

ОМАДЛИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?
ҚОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!
Агар Сизга омад кулиб боқишини истасангиз ёки камёб буюмлар эгаси бўлишни истасангиз ҳали кеч эмас. Бундай имкониятга эга бўлишингиз мумкин. Фақат «ҲОТАМТОЙ XXI—АСР» фирмасининг Ўзбекистон республикаси «НАВРЎЗ» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида чиқарган
«МЕҲРИБОНЛИК» пул-буюм лотереясидан бир нечтасини сотиб олсангиз кифоя.
«МЕҲРИБОНЛИК» лотереяси билетлари пойтахтнинг барча жамғарма банклари, бўлим ва шохобчаларида сотиляпти.
ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!
«МЕҲРИБОНЛИК» лотереясининг ютуқлар тиражи 1993 йил 31 октябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилади:
Ушбу ўйинда 5 та 5 миллион сўмлик, 10 та 3 миллион сўмлик, 20 та 1 миллион сўмлик ва 25 та 500 минг сўмлик ютуқлар бор!
БАРЧАНГИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Янги трамвай йўлларининг ётқизилиши сабабли Сапёрлар кўчасининг ёпилиши муносабати билан 12 октябрдан бошлаб, 2 ОЙ МУДДАТГА қуйидаги йўналишдаги транспортларнинг ҳаракати ўзгартирилади:
АВТОБУСЛАР:
№ 38 «т», 58 «т», 67 «т», 48 «м» автобуслар бир томонлама йўналишда Марказий универмагдан Марказий бозор, Педагогика институти орқали Усмон Носир кўчасига чиқиб, ўзининг эски йўналишини давом эттиради. Қайтишда автобусларнинг аввалги ҳаракат йўналиши Сапёрлар майдони орқали сақланиб қолинади.
ТРАМВАЙЛАР:
№ 7-трамвай Ш. Руставели кўчасидан Миробод бозори, «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи», «Санъат музейи», Марказий универмаг орқали ўзининг эски йўналишига тушади;
№ 8-трамвай «Бешқайрағоч даҳаси — Марказий бозор» йўналишида;
№ 4-трамвай ҳаракати вақтинча тўхтатилиб, 9-трамвайда қатнайдиган вагонлар сони кўпайтирилади;
№ 10-трамвай ҳаракати вақтинча тўхтатилиб, 27-трамвайдаги вагонлар сони кўпайтирилади.
№ 18-трамвай «Образцов кўчаси — Шимолий вокзал» йўналишида ҳафтанинг ҳамма кунлари қатнайди.
№ 28-трамвай Ш. Руставели кўчасидан Миробод бозори, «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, «Санъат музейи», кейин ўзининг эски йўналишини давом эттиради.
Маълумотлар учун телефон — 34-62-14.
«ТОШШАҲАРИЙЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ.

Тезиков бозори яқинидаги 1 сотихли майдони бўлган эски уйни 2 хонали кв. га алмаштираман, Тел:72-58-93.

«Иттифоқ» тармоқлараро ишлаб чиқариш-тижорат бирлашмаси жамоаси бирлашма бош маслаҳатчиси
Турсунмурод Умарович УМАРОВнинг
бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Н. А. Семашко номидаги илмгоҳи жамоаси болалар бирлашмасининг раҳбари Ҳ. Т. Умаровага отаси
Турсун Умарович УМАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ижара пудратидаги ойна-мебель корхонаси жамоаси мебель саноатининг собиқ вазири
Ғайрат Ҳошимович ҚУРБОНОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

1-ёғочни қайта ишлаш заводи 1-темир-бетон буюмлари заводининг директори
Ғайрат Ҳошимович ҚУРБОНОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент ижара пудратидаги ойна-мебель корхонаси жамоаси «Ойна» кичик корхонасининг директори Ш. Ғ. Қурбоновга отаси
Ғайрат Ҳошимович ҚУРБОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент почтаси» ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси 98-алоқа бўлимининг бошлиғи
Исмонжон УСМОНОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 666101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А — 2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—588. 17.229 нусхада.